

Банданинг Аллоҳни У Зотга муносиб мақтови



16:57 / 06.05.2018 3576

У Зот сенга ўзинг сазовор бўлмаган мақтовни жорий қилса, сен У Зотни Ўзи сазовор бўлган нарса билан мақтагин.

Ушбу ҳикматда одамларнинг мақтовига қандай муносабатда бўлиш борасидаги аввал ўтган ҳикматларга хотима ясалмоқда. Мазкур ҳикматларда одамларнинг мақтови ўзларининг гумони, ўзларига етган хабарларга қараб юзаки билим асосида бўлиши ҳақида сўз айтилган эди. Шу билан бирга, мақтовчиларнинг мақтовига учмаслик, ўзини камтар тутиш, ўзини ўзи танқид қилиш, камчиликларини ёдга олиш ва уларни тузатишга уриниш ҳақида насиҳатлар ҳам қилинган эди. Яна мазкур мақтовга сазовор қилган нарсаларни Аллоҳ таолодан деб билиш кераклиги ҳам уқтирилган эди.

Ушбу ҳикматда эса аввало одамлардан бўладиган мақтовни Аллоҳ таолонинг Ўзи уларнинг дилига солиши ҳақида, Аллоҳ таоло бандасига оид мақтовни Ўзи баъзи бандалари орқали жорий қилиши ҳақида сўз юритилмоқда. Ҳақиқатдан, Аллоҳ таоло кўнглига солмаса, бирор банда ўз-ўзидан бошқани мақташи амри маҳол. Бу ҳақиқат Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадиси шарифларидан бирида ўз ифодасини топгандир.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Қачон Аллоҳ бир бандани яхши кўрса, Жаброилга: «Албатта, Аллоҳ Фалончини яхши кўради, сен ҳам уни яхши кўр!» дея нидо қилади. Шунда Жаброил уни яхши кўради. Сўнг Жаброил осмон аҳлига: «Албатта, Аллоҳ Фалончини яхши кўради, сизлар ҳам уни яхши кўринглар!» дея нидо қилади. Шунда уни осмон аҳли яхши кўради. Сўнгра у ер аҳли учун мақбул қилиб қўйилади».

Бухорий ривоят қилган.

Ер аҳли ҳам мазкур бандани, агар у ўша мақтовларга сазовор бўлмаса ҳам, мақташга тушадилар. Акс ҳолда бир одам ўз-ўзидан бошқа бировни мақташи осон эмас.

Ушбу ҳадисдан бир бандани бошқа бир банда мақтаса, уни ўз-ўзидан эмас, Аллоҳ таоло дилига солгани учун мақташи англашилади. Шунинг учун мақталган банда Ибн Атоуллоҳ Сакандарий раҳматуллоҳи алайҳ тавсия қилган ишни – Аллоҳ таолога У Зотнинг Ўзи сазовор бўлган мақтовни айтишни амалга ошириши керак бўлади.

Кишилар ўзларига нисбатан мақтовга муносабат борасида уч тоифага бўлинадилар:

Биринчи турдагилар мақталишдан хурсанд бўладилар ва танқидни ёқтирмайдилар. Бундай тоифадаги одамларнинг нафслари ўзларидан ғолиб бўлади. Нафс эса мақтов ва кўтар-кўтарни хуш кўради ҳамда танқидни ва пастга урилишни ёқтирмайди. Бу тоифадагилар ғофил авомлар дейилади.

Иккинчи турдагилар мақтовни ёқтирмайдилар ва танқиддан хурсанд бўладилар. Бундай тоифадаги одамлар нафсларига қарши жидди-жаҳд қилаётган бўладилар. Шунинг учун ҳам улар нафсни ўлдирадиган ҳамда унга алам берадиган нарсаларга ошиқадилар ва нафсни тирилтирадиган ҳамда уни ҳаддидан оширадиган нарсалардан четда бўлишга ҳаракат қиладилар. Бу тоифадагилар обидлар, зоҳидлар ва сайри сулукдаги муридлар дейилади.

Учинчи турдагилар мақтов Робблари тарафидан эканини билганлари учун уни ёқтирадилар ва мазаммат ўзларининг валийлари бўлган Зот

тарафидан эканини билганлари учун ғамгин бўладилар. Бу тоифадагилар орифлар дейилади.

Аллоҳ таоло барчамизга У Зот бизга ўзимиз сазовор бўлмаган мақтовни жорий қилса, У Зотни Ўзи сазовор бўлган нарса билан мақтайдиган бўлишимизни насиб этсин!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Хислатли ҳикматлар шарҳи китобидан)